# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

1996 йил, 22 февраль, пайшанба № 23 (662).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Четверг, 22 февраля 1996 г. № 23 (662).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Сотувда эркин нархда

В розницу цена свободная



2 — ҚИСМ ВА БЎЛИНМАЛАРДАН ХАБАРЛАР; ПИСЬМО ИЗ-ЗА РУБЕЖА

3 — СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА РОМАН; МИР ИСКУССТВА

4 5 6 — Телепрограмма: Ташкент, Алматы, Москва (ОРТ; Росс. ТВ; ТВ-6)

7 — ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

8 — ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР; ФУТБОЛ: НАКАНУНЕ СЕЗОНА




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

# ҚАРОРИ

### МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз мусулмонларининг Муборак Ҳаж сафарини ташкил этишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг 1996 йилги Ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Муборак Ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини одилона ва холисона қондириш, бу жараёнда ҳар томонлама адолатни таъминлаш масъулияти тўлалигича Мовароуннаҳр Мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги эътиборга олинсин.

2. Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасига 1996 йил Ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бевосита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Ғ. Рафиқов) 1996 йил апрель ойида зиёратчиларни Жидда шаҳрига олиб бориш ва қайтариб келиш, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг харажатларини қисқартириш мақсадида самолётларда жўнаш ва қайтиш пунктларини жойларда ташкил қилиш масалаларини ҳал этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Гатаулин) Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ш. Каримов) зиёратчиларни Саудия Арабистонининг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда тиббий кўрикдан ўтказишни ва Ҳаж даврида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ноқонуний йўллар билан Ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй берадиган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси (З. Файзиев) ва «Ўзбекбирлашув» уюшмаси (Ф. Бурхонов) Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг буюртмаларига мувофиқ жойларда зиёратчилар учун керакли буюмлар савдосини ташкил этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Р. Азимов) Мовароуннаҳр Мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга асосан Ўзбекистон Республикасидан Ҳаж зиёратига борувчи ҳар бир фуқаро учун 1238 АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олинмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг мутасадди вакиллари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Мовароуннаҳр Мусулмонлари идорасининг Миллий Банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин.

Мовароуннаҳр Мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Ўзбекистон Республикаси биржаси орқали 4 миллион 333 минг АҚШ долларини сотишни таъминласин.

9. Мовароуннаҳр Мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак Ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1996 йил 19 февраль.

## УЛАРДАН ЎРНАҚ ОЛИШАДИ

**Оддий аскар Султон Сарбулаев ҳарбий касб сир-синоатларини пухта эгаллаётган посбонлардандир. У зўр уюшқоқлик билан ўтказилаётган қишки мавсум ўқув машғулотларида юқори масъулиятлилик ила қатнашиб келаётир. Чунончи, дала-ўқув машғулотларида ўз малакаларини янада мукаммаллаштиришга астойдил интилмоқда.**

**Бўлинманинг етакчи механик-ҳайдовчиси нафақат жанговар, шунингдек бошқа ўқув тайёргарликлар бўйича ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Жумладан, Султон жисмоний баркамоллик борасида ҳам сафдошларига ўрнак. Эркин кураш бўйича 2-разрядга эга етакчи посбон нафақат пухта режа асосида ўтказилаётган жисмоний тайёргарлик машғулотларида, шунингдек, дам олиш онларида ҳам мунтазам спорт билан шуғулланиб келаётир.**

**Энг муҳими, оддий аскар С. Сарбулаев, ниҳоятда тартиб-интизомли, офицер ва кичик командирлари, сафдошларига доимо ҳурмат-эътиборли муносабатдадир. Ҳарбий Низом қонун-қоидаларига пухта амал қилиб, ўз муқаддас бурчини шараф билан бажараётган Султон яқинлашиб келаётган Наврўз айёмини ҳам аъло ютуқлар ила кутиб олишга астойдил чоғланган.**

**В. БАГАЕВ суратга олган.**



# ЕСТЬ ЗАВЕТНАЯ МЕЧТА

Не одну тысячу километров армейских дорог исколесил за время службы заместитель командира взвода сержант Музаффар Джуманиязов.

Водительские права он получил еще до службы в армии, в ОСО «Ватанпарвар», и когда пришла повестка явиться в районный отдел по делам обороны, попросился стать военным водителем. С того времени прошло больше года. Весной Музаффар увольняется в запас. Трудно будет ему расставаться со своим родным «Уралом».

По отзывам командира роты капитана Р. Мавлянова и командира взвода лейтенанта Р. Ахмедова, сержант Джуманиязов — один из лучших младших командиров подразделения. Не зря ему доверили в этом периоде обучения помочь новичкам в овладении секретами водительского мастерства. Сейчас он готовит подчиненных к предстоящему многокилометровому маршу. И делает это успешно. Многие его подопечные уже сегодня показывают хорошие знания и умения при сдаче предварительных зачетов. Но главный экзамен — впереди.

Музаффар — надежный товарищ. За время службы у него появилось много друзей. Это сержант Кадам Рахимов, рядовые Ахмед Кулдашев, Сирот Хафизов и многие другие. Настоящую мужскую дружбу они познали в армии, когда на занятиях, дежурствах приходили друг другу на помощь. Войсковое товарищество было всегда спутником солдат. Воины-узбекистанцы, продолжая дело Амира Темура, стоят друг за друга горой. И не сдобровать тем, кто захочет посягнуть на священные рубежи нашей Отчизны. Потомки великого полководца дадут достойный отпор любому агрессору.

И еще один немаловажный факт из жизни и службы сержанта Джуманиязова — он чемпион своей части по национальной борьбе кураш. В конце 1995 года, когда здесь проходило первенство по этому виду спорта, ему не было равных. Конечно, он своим искусством побеждать делится и со своими сослуживцами. Физическая подготовка в подразделении на высоте. Солдаты и сержанты роты своими руками под руководством старшины роты старшего прапорщика М. Аскарова создали спортивный уголок. В любую свободную минуту они торопятся сюда, чтобы подкачать свои мускулы.

Есть у сержанта М. Джуманиязова заветная мечта — после службы поступить в Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище и стать офицером-автомобилистом. Ну что ж, успехов тебе, Музаффар!

**Капитан Б. ДЖУРАЕВ.**

